
Фарғона туманида 889 та эҳтиёжманд оиланинг ҳар бирига 500 минг сўмдан моддий ёрдам пули тарқатилади

Вазирлар Маҳкамасининг коронавирус пандемияси даврида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган фармойишига асосан «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳисобидан Фарғона туманидаги 889 та эҳтиёжманд муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш учун шакллантирилган “темир дафтарлар”га тушган оилаларнинг ҳар бирига 500 минг сўмдан моддий ёрдам пули ва озиқ-овқат маҳсулотлари 4 та сектор раҳбарлари томонидан тарқатилди. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Азизбек Собировнинг маълум қилинишича, туманда 1558 та оила эҳтиёжманд оилалар рўйхатга олинган. Мазкур оилаларга умумий 444 миллион 500 минг сўм берилди.

2020-07-30 17:14:41